



2018 yil "10" avgust № 409

Farg'ona shahri

**Юридик ва жисмоний шахсларга қурилиш иншоотларини
лойиҳалаш ва қуриш учун ер майдонлари танлаш
ва ажратиш тўғрисида**

Юридик ва жисмоний шахсларга қурилиш иншоотларини лойиҳалаш ва қуриш учун ер майдонлари танлаш ва ажратиш тўғрисидаги Фарғона тумани ҳокимининг 2018 йил 2 май кундаги 899-сонли, 2018 йил 31 май кундаги 1042-сонли, 2018 йил 30 июндаги 1176-сонли, Ўзбекистон тумани ҳокимининг 2017 йил 27 декабрдаги 1982-сонли, 2018 йил 11 апрелдаги 744-сонли, 2018 йил 28 июндаги 1467-сонли, 2018 йил 19 май кундаги 1104-сонли, Олтиариқ тумани ҳокимининг 2018 йил 19 июндаги 1998-сонли, 2018 йил 23 июндаги 2052-сонли, Фарғона шаҳар ҳокимининг 2018 йил 21 июндаги 796-сонли, Қувасой шаҳар ҳокимининг 2017 йил 5 августдаги 719/1-сонли, 2018 йил 7 мартдаги 267-сонли, 2018 йил 31 май кундаги 608-сонли, 609-сонли қарорлари, мазкур қарорлар юзасидан вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссияси"нинг тегишли хулосаларини ҳамда тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5,23-моддалари, "Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Фарғона тумани ҳокимининг 2018 йил 2 май кундаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 март кундаги ПҚ-3630-сонли қарори ҳамда 2018 йил 29 март кундаги ПФ-5386-сонли фармонига асосан Дамкўл ҚФЙ ҳудудидан "Обод қишлоқ" дастури доирасида ер майдони ажратиш тўғрисида"ги 899-сонли, 2018 йил 30 июндаги "Чекшўра қишлоғи ҳудудидаги туман заҳирасида жойлашган ер майдонини "Чимён Барака Савдо Сервис" маъсулияти чекланган жамиятига "совутгичли омбор, картошка сақлаш махсус омбори, иссиқхона ва тара ишлаб чиқариш цехи" қуриши учун доимий фойдаланишга ажратиб бериш тўғрисида"ги 1176-сонли, Ўзбекистон тумани ҳокимининг 2017 йил 27 декабрдаги "Фуқаро Хасанов Ҳамидхон Салиевичга "Соҳибкор" ҳудудидаги туман заҳирасидаги ер майдонидан "Тўқувчилик ва тикувчилик цехи" қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида"ги 1982-сонли, 2018 йил 11 апрелдаги "Бешариқ тумани Қашқар МФЙ Қашқар қишлоғида яшовчи фуқаро Султонов Ойбек Тўйчибоевичга Ўзбекистон тумани "Ғ.Ғуллом" ММТП ҳудудидаги туман заҳирасидаги ер майдонидан "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш омбори" қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида"ги 744-сонли, 2018 йил 28 июндаги "ADRO SAND STONE" МЧЖ га "Гулистон" ММТП ҳудудидаги туман

заҳирасидаги ер майдонидан “Тош майдалаш ва бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи” қурилиши учун ер майдони ажратиш ҳақида”ги 1467-сонли, 2018 йил 19 май кундаги “ Муқимий ММТП ҳудудидаги туман заҳирасидаги ер майдонларидан “KONIZAR QURILISH SAVDO” хусусий корхонасига “Шифер ишлаб чиқариш заводи” қурилиши учун ер майдони ажратиш ҳақида”ги 1104-сонли, Олтиариқ тумани ҳокимининг 2018 йил 19 июндаги “Мирзарасул боғи” номли кўп тармоқли фермер хўжалиги номига фермер хўжалигининг Нуробод” массиви ер харитасининг 352қ-контурида жойлашган мевали боғ ўрнидан “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш цехи” бино ва иншоотлари қурилишига рухсат бериш тўғрисида”ги 1998-сонли, 2018 йил 23 июндаги “Тумандаги “Кўл Бўйи Фахри Олтиариқ” боғдорчилик фермер хўжалигининг “Навоий” номли массиви, 2-участкасининг 3қ-контуридаги фойдаланишда бўлган ер майдонидан “Иссиқхона, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қабул қилиш ва қайта ишлаш цехи, совутгич ҳамда дам олиш” бинолари қурилиши учун ер майдони ажратиш ҳақида”ги 2052-сонли, Фарғона шаҳар ҳокимининг 2018 йил 21 июндаги “Фарғона шаҳар Янги аср кўчаси 17 уй 97-хонадонда яшовчи фуқаро Норматов Хуршид Абдурашидовичга шаҳар ҳокимлиги заҳирасида бўлган ер майдонига “Логистика маркази” қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида”ги 796-сонли, Қувасой шаҳар ҳокимининг 2017 йил 5 августдаги “Кварц” АЖга “Қорабайир зотдор отларини боқиш комплекси” қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида”ги 719/1-сонли, 2018 йил 7 мартдаги “Исфайрам қурилиш” МЧЖга замонавий технологиялар асосида “Товуқхона” қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиб бериш ҳақида”ги 267-сонли, 2018 йил 31 май кундаги “Tsement texno servis” МЧЖга замонавий чорва ҳамда эчкичилик комплекси қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиб бериш ҳақида”ги 608-сонли, “Tsement texno servis” МЧЖга “Металл трубалар ва металл профиллар” ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиб бериш ҳақида”ги 609-сонли қарорлари ҳамда мазкур қарорлар юзасидан вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссияси”нинг тегишли хулосалари тасдиқлансин.

2. Иловага асосан Фарғона, Ўзбекистон ва Олтиариқ туманлари ҳамда Қувасой ва Фарғона шаҳар ҳокимлари қарорларида белгиланган шартлар бажарилгандан сўнг, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ ҳокимликлар ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиялари томонидан белгиланган тартибда ер майдонлари ажратиб берилсин.

3. Вилоят Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси (Хабибиддинов), Статистика бошқармаси (Шамшидинов) ҳамда Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ибрагимов) томонидан тегишли ҳисоботларига ўзгартиришлар киритилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Д.Ходжихмедов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Ш.Ғаниев